



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ (255) (5604).

31

ДЕКАБРЬ
ЧОРШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИ, ШУ ЖУМЛАДАН ОБЛАСТИМИЗ МЕХНАТКАШЛАРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ УЛКАН ЗАФАРЛАР БИЛАН ЯКУНЛАДИЛАР.

ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, СОВЕТ КИШИЛАРИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА БУЮК ҒАЛАБАЛАР ЙИЛЛАРИ БЎЛСИН.

ЗАФАРЛИ ЙИЛ, НУРЛИ ИСТИҚБОЛ

ЭРТАГА ЯНГИ ЙИЛ! Буюк зафарлар, улкан муваффақиятлар, халқимиз ҳаётида чексиз қувонч ва севинч келтирган 1975 йил билан хайрашмоқдамиз. Илтимиз мазмунини, яқин ва режаларни, эришилган муваффақиятларни, тўққизинчи беш йилликнинг зафарли чўққилари ҳар бир Совет кишига қалбини олам-олам севинч ва қувончга тўлдирмоқда. Советлар мамлакатини, унинг қаҳрамон халқи эришган тарихий муъжизалар бунёдкорлик ишлари жаҳондаги барча прогрессив инсониятни, дўст, қардош биродар социалистик мамлакат халқларини ҳам мамнун этмоқда.

Ишлар борик, унинг ҳар бир кунини, ҳар бир ойи бутун бир замонлар ва даврларга тенг бўлади. 1975 йил ана шундай унутилмас, тарихда олтин арақ оқган, аялдор эслаб, фахр ва гурур билан ҳикоя қиладиган йил ҳисобланади. Тўққизинчи беш йилликда эришган муваффақиятларимиз қабиларимизни тоғдек кутаради, янги чўққилар ва марраларга илҳомлантиради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев тугаб бораётган беш йиллик якуналарини таърифлаб, партияимизнинг декабрь Йилларида шундай деган эди: «Энг муҳими шунки, тўққизинчи беш йилликдаги иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари ва ҳаракатлари КПСС XXIV съездининг йўналиш, иқтисодий сиёсатининг принциплари йўл-йўриқларига тўла-тўқис мос келди» — ҳаётнинг ўзи бунини яққол кураётган тўққизинчи беш йилга томон яқин қадам қўйди. Башарти, иқтисодий ишлаб чиқаришни мутлақ ўстириш миқёслари назарда тутилган бўлса, тўққизинчи беш йиллик мамлакатимиз тарихидаги энг яхши беш йилликдир. Ватанимиз янада бадавлат, янада қудратли бўлиб қолди. Совет кишилари янада яхшироқ яшай бошладилар. Бу эса — партия фойлига берилган олин баҳодир.

Тўққизинчи беш йиллик якуналарини назар ташлар эканмиз, бу давр ва йилларда республикамиз, пойтахт областимиз иқтисодик, халқ ҳужалиги, меҳнаткашлар турмушини ва маданияти катталик қилиб, яшнуб, ривож ва раванг тоғланганга ҳавас билан боқамиз. Шаҳар ва қишлоқларда янги саннат корхоналари, улкан қурилишлар, уй-жой, маданият ва маърифат муассасалари қад қўтарди. Минг-минглар оилалар обод, шинам уйларда ҳаёт кечирмоқдалар. Республикаимизнинг гўзал пойтахти Тошкент чехрасига чехра қўшди. Бу давр ичда қолхоз ва совхозларнинг иқтисодик, қишлоқлардаги ҳаёт, маданият мисли қўрилмаган даражада юксалди, тараққий этди. Беш йилдан — ҳар бир оила, ҳар бир оиланинг учун янги бахт-саодат, қувонч келтирди. Шунинг учун ҳам миллион-миллион диллар ва қалблардан партия ва ҳукуматга социалистик тузумимизга, олийжаноб халқимизга миннатдорчилик, меҳмонлик, юрак сўзлари баралла йнграмоқда.

Областимиз меҳнаткашлари дубоён ўлкамиз, она Ватанимиз, бир-бирига қўн-қардош, ягона советлар оиласида ўз бахт-саодати ва истиқболини топти. Беш йилликнинг якуновчи йилида оби-ҳаво қийинчиликлари, табиат илтиқилиларига қарамай, мардондор меҳнат қилдилар. Йил бошида саннатчилар, қишлоқ ҳужалиги меҳнаткашлари юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Пухта ўйланган тадбир ва режаларни белгиладилар. Шу парса қувончлики, бутун йил бўли қилинган мардондор меҳнат буюк ва қувончли сафарлар келтирди. Санатчилар ош йиллик ва йиллик планларини мутлақ динган ишлари бажардилар. Нахтакорларнинг жасоратига эл-юрт тасанно демоқда. Улар давлат планини бажариб, юксак социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар ва она-Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» ҳадя қилдилар. Сабоавотчилар, ғаллакорлар, чорвадорлар, ишлагичлар хонадонларимизни, эл-юрт дастурхонини турли ноз-неъматлар билан безадилар, фаровон турмушининг зебу-зийнатларини бўшладилар.

1975 йил халқаро вазиятда ленинча тақдир сўбат, партияимиз XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик про-

граммасининг муваффақиятли амалга оширилиши йили бўлди. Совет Иттифоқининг халқаро позициялари, унинг қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлиги мустаҳкамланди. СССРда барпо этилган ривожланган социалистик жамият узининг жуда катта иқтисодий ва афзаллиқларини яна бир қарра намойиш этди. Бу йилнинг яна халқароли фазилатлари шундан иборатки, ишлаб чиқарувчи қулаҳларнинг ўсиши билан бирга социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ва жамиятнинг социал структураси такомиллашди. Унинг тоғвий-сиёсий бирлиги, қўмиллатили Ватанимиз халқларининг денница буянмас дўстлиги янада мустаҳкамланди. Совет халқи, жаҳон меҳнаткашлари, прогрессив инсоният гитлерчилар германияси устидан эришилган Буюк Ғалабамизнинг 30 йиллигини зўр тантана билан нишонладилар. Бу ғалаба жаҳонда янги уруш оловига хотима берди, халқларга тинч-осойишта ҳаёт келтирди. Тинчлик, осойишталик, миллий тараққиёт ва мустақиллик учун курашаётган миллион-миллион кишилар совет халқига, унинг қаҳрамон қўрғоқ қулаҳига чексиз миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан Л. И. Брежневнинг бу соҳада олин бораётган ва амалга ошираётган самаралари, истиқболли фаолияти ва донолиги жаҳон халқлари томонидан қизғин маъқуллаб кўтиб олинмоқда.


Зафарлар, чексиз қувонч ва севинчларга бой 1975 йил билан хайрашмоқдамиз. Беш ўғлон, беш баҳодир, афсонавий фарҳодлар, шон-шухрат қозongan жасоратли фазокорлар сингари буюк парвозларга қанот қўқиб янги беш йиллик кириб келмоқда. Унинг дастлабки мусавфо тоғи мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида олтин саҳифалар оча бошладилар. Янада фабрикалар, қолхоз ва совхозлар ўзининг беш йиллик учун муносиб тўхталар тайёрладилар. 1976—77 йил ҳисобига ишлаётган корхоналар, коллективлар сони истатганга тоғилди. Қалъамиса сингари меҳнат қарамонларнинг жасоратли эл-юртин беҳад хурсанд этмоқда. Илтимиз буюк тарихий воқеалар билан бошланапти.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Йиллари, СССР Олий Советининг сессияси коммунистик қурилишнинг янги истиқболли чўққиларини белгилаб берди. Партияимиз Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ ҳужалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездида лойиҳаси ҳақидаги қарори ҳамма ерда буюк истиқбол, тараққиёт, ривожланиш, халқ фаровонлигининг янги ленинча ғамхўрлиги сифатида чин қалбдан маъқуллаб кўтиб олинди.

Йили йил, янги беш йиллик областимиз меҳнаткашларига ҳам катта зафар, янги истиқбол йўлларини белгилаб беради. Унинг беш йилликда шаҳар ва қишлоқларимиз янада ўзгача чирой оқади. Санат корхоналари, қишлоқ ҳужалиги куч қудрат юксалади, уларнинг маҳсулдорлиги ошади, янги объектлар ишга туширилади. Янги йилнинг улкан ва тарихий воқеаси буюк ва юксалди. 1976 йилда партияимизнинг XXV съезди бўлади. Бу съезд ўртоқ Л. И. Брежневнинг таърифи билан айтганда, улуғ мақсадалар йўлидаги янги муҳим режаларни белгилаб беради. Партияимиз шу мақсадалар нузида курашиб келмоқда. Унинг беш йиллик халқ фаровонлигига юксалтириш, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, сифат ва самарадорлик учун кураш беш йиллик бўлади.

Йили йилга қадам қўяр эканмиз, улкан зафарлар учун, фаровон ҳаёт учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чин қалбимиздан чексиз миннатдорчилик ҳисларини изҳор этамиз. Зафарларга бой тўққизинчи беш йиллик раҳмат сенга! Нурли истиқбол, янги беш йилликни бошлаб берувчи 1976 йил хуш келибсан, оқ йўл сенга! Кенг қулоқ очиб, олтин побидоз ёниб сени қарши оламиз!

Муборак бўлсин, азиз дўстлар 1976—Янги йилнингиз!



МОСКВА. Кремлдаги Знамский ва Никольский миноралари.
В. Егоров ва А. Стужин фотоси. ТАСС фотохроника сн.

Трестга ДИПЛОМ

«Специалеватормелстрой» трестининг коллективни тўққизинчи беш йилликда республикамиз областларида тегирионлар ҳамда дон сақлаш омборлари қуриб бериш ишларини муддатидан олдин сифатли амада оширди.

Трестимиз ташкил этилганга ўн йил бўлди, — дейди бирлашган касаба союзи комитетининг раиси Х. Алимухамедов. — Шу давр ичда катта миқёсда бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бунда бизга социалистик мусобақани тўғри ташкил қилиш ва уни кенг авж олдириш айниқса қўл келмоқда.

Беш йиллик план топширигини муддатидан илгари бажарган трест коллективига «Диплом» республика Госстройининг дипломи тантанали сўраб таъдирланди. Мукофот коллектив ишчи ва хизматчиларини янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

САМОЛЁТ БОРТИДАН

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ватанига қайта туриб самолёт бортидан Туркия Республикаси Бош министри Сулеймон Демирелга табрик телеграммасы йўллади.

А. Н. Косигин Туркияда Совет ҳукумат делегациясига дўстона ҳурмат-эҳтиром курастилганини учун Бош министр, ҳукуматга ва турк халқига миннатдорчилик изҳор этиб, Туркия Республикасининг президенти Ф. С. Коратур, Бош министри С. Де-

мирел, бошқа давлат арбоблари билан ўтказилган учрошда ва суҳбатлар Совет Иттифоқи билан Туркия ўртасидаги яхши қўшиқчилар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирди. Шу кунларда ишга тушirilган Искандарин металлургия комбинати, ана шундай муносабатларнинг намунаси бўлиб хизмат қилади.

А. Н. Косигин турк халқига муваффақият ва эсон-омонлик тилади. (ТАСС).

СОВЕТ ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ВИЗИТИ ТУГАДИ

АНҚАРА, 29 декабр. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Бугун эрталаб Туркия халқ-демократик партиясининг Бош раиси Бюлент Эвевит билан суҳбатлашди. Суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

Бугун бу ерда Совет Иттифоқи билан Туркия Республикаси ўртасида 1976 йил 1 мартга бўлган давр ичда маданият ва илмий айирбошлаш программаси имзоланди.

Программани СССРнинг Туркиядаги элчиси А. А. Родионов билан Туркия ташқи ишлар министрлиги маданият департаментининг Бош директори

В. Ашир ўли имзолادилар. АНҚАРА, 29 декабр. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги СССР ҳукумат делегацияси бугун Ватанига жўнаб кетди. Делегация Совет-Туркия иқтисодий ҳамкорлиги доирасида қурилган Искандарин металлургия заводини очиб муносабати билан Туркия Республикаси ҳукуматининг тақдирини буюн расмий визит билан бир эвас меҳмон бўлиб турди.

СССР ва Туркия Республикасининг давлат байроқлари билан безатилган аэродромда делегацияни Туркия Республикасининг Бош министри С.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ!

Ўзбекистон ССР ўрмон ҳужалиги, ўрмон ҳужалиги системасидаги ўрмон мелiorацияси станцияси ва қурилишхоналар ишчилари, хизматчилари ва мутахассисларининг коллективлари барча асосий ишлаб чиқариш курашчилари бўлиб 1975 йил ва умуман тўққизинчи беш йиллик ишлари бажарди. Муддатидан аввал бажарилган ўрмонлар барпо этиш беш йиллик плани 115 процент, уруғ екиш ва кўчат ўтказиш плани 104 процент, кўчатзорлар ташкил этиш плани 139 процент, кўчат ўстириш плани 155 процент, ихота дарахтзорлари яратиш плани 100 процент, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш плани 115 процент бажарилди. Плана қўзда тутилган 3,26 миллион сўм ўрнига 3,65 миллион сўм фойда олинди. Давлатга 15,3 минг тонна мева, 145,3 тонна асал, 382 тонна доривор ўт ва қўшгина бошқа маҳсулотлар топширилди.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида 9255 гектар ёнқозор, 790 гектар арчазор вужудга келтирилди. Сансорул ва бошқа ёвойи экинлар екиш йўли билан дашт айлаларини яхшилаш ва бойитиш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Наманган, Каттақўрғон, Ўзбекистон, Чирчиқ, Шифирқон, Ўзғир, Қўқон, Турткул ўрмон ҳужаликлари ва бошқа ҳужаликларнинг коллективлари анча яхши ишладилар.

Ўрмон ҳужалигининг ҳодимлари КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ ҳужалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» партия XXV съездида лойиҳасини муҳокама қилган туриб, ўз куч-ғайратларини бажарилаётган ишлар сифатини оширишга, давлат ўрмон фонди ерларидан фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга қаратмоқдалар.

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР КАРВОНИ

Республикамиз «оқ олтин» ҳирмонининг юксалишида «Ташкельмаш» заводи коллективининг муносиб ҳиссаси бор. Улар деҳқонларимиз учун йил сайини янги-дан-янги тақомиллашган пахта териш машиналари ишлаб чиқаришмоқда. Машиналар конструкциясининг яхшиланиши билан бир қаторда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам тобора ортаб боришти.

Якуновчи йилда КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кенг кўлоб бидирган машинасозлар улкан ғалабани қўлга киритди: 1 декабрда тўққизинчи беш йиллик плани муваффақият билан бажарилди.

Корхона коллектив реэри ва имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охирига беш йиллик планга қўшимча равишда 5,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Тўқ-

қизинчи беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажми 44,6 процент ошди. Шунингдек, эҳтиёж қисмлар ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Тўққизинчи беш йилликда санкизинчи беш йилликка нисбатан 20 миллион сўмлик кўп эҳтиёж қисмлар тайёрланди.

Корхонада янги техника ва технологияни жорий этиш қўлаб-янги машина ва механизмларни осонари билан алмаштириш, прогрессив иш усулларини қўланиш натижасида меҳнат унумдорлиги мутасад ортиб бориқда. Беш йилликда меҳнат унумдорлиги 38 процентга ошди.

Партияимизнинг навбатдаги съезди шарафига социалистик мусобақани янада авж олдириб, зарбдор меҳнат ваҳтасида ишлаётган корхона коллективни аниматга олганга оширилган мажбуриятларини ҳам муддатидан олдин бажариш учун ҳаракат қилмоқда.

ЛЕКТОРЛИК МАҲОРАТИ

ТОШКЕНТ область партия комитети ва область «Билим» иқомияти томонидан ташкил этилган лекторлик маҳорати халқ университетига яна бир факультет — ўзбек тилида халқаро аҳвол масалалари бўйича лекторлар тайёрловчи икки йиллик мактаб иш бошлади.

Область районларида, шаҳар ва қишлоқларида КПСС ва Совет давлатининг тақдирини масалалари бўйича сўзлашувчи, ғовий, жиҳаддан пухта, қизиқарли лекция, суҳбатларга бўлган талаб ортиб бориқда. Мазкур факультет аҳолининг ана шу эҳтиёж ва хоҳишини ҳисобга олган ҳолда очилди. Факультетда 50 дан ортққ тингловчи икки йил давомида лекторлик маҳоратига бағишланган лекцияларни

эшитдилар. Лекцияларни тақдирли оқиллар, дипломатлар, чет элга бориб келган совет граждандари ўқидилар. Ҳар бир мавзуга доир ҳужжатли ва хроникал фильмлар намойиш қилинди.

Биринчи машғулотда филология фанлари доктори, профессор Л. Қюмов «Иттиқлик маҳорати тўғрисида», тарих фанлари кандидатлари Б. Маннонов ва М. Юсуфжонов «КПСС XXIV съездининг Тинчлик программаси амалда» деган мавзуларда лекция ўқидилар.

Область партия комитети ҳузурида ташкил этилган лекторлик маҳорати университетининг илмий атеизм факультетига ўқув йилининг биринчи машғулотлари бўлиб ўтди.



